

**THE CONCEPT OF INVOLVEMENT IN A CRIME AND ITS LEGAL FOUNDATIONS****D.Sh. Israilov***PhD in Law, Associate Professor**Deputy Director of the Higher School of Judges**Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

Key words: involvement in a crime, criminal law, legal institution, concealment of a crime, failure to report a crime, criminal liability, legislative reform, complicity in a crime, judicial practice.

Received: 04.08.25**Accepted:** 04.08.25**Published:** 04.08.25

Abstract: In this article, the author scientifically examines the current state of the institution of involvement in a crime in the existing criminal legislation, its forms, various interpretations of its legal characteristics, and the need for their improvement. In particular, the article investigates the inclusion of this institution as separate norms in the Criminal Code, the clear definition of the grounds for liability, and the possibilities for individualizing criminal responsibility. Additionally, foreign experience is analyzed, and practical suggestions and recommendations are put forward for improving national legislation.

ЖИНОЯТГА ДАХЛДОРЛИК ТУШУНЧАСИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**Д.Ш. Исраилов***(PhD), доцент**Заместитель директора Высшей школы судей, кандидат юридических наук**Ташкент, Узбекистан***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

Калит сўзлар: жиноятга дахлдорлик, жиноят қонуни, ҳуқуқий институт, жиноятни яшириш, жиноят ҳақида хабар бермаслик, жиноий жавобгарлик, қонунчилик ислоҳоти, жиноятга йўл қўйиш, суд амалиёти.

Аннотация: Ушбу мақолада муаллиф томонидан амалдаги жиноят қонунда жиноятга дахлдорлик институтининг мавжуд ҳолати, унинг шакллари, ҳуқуқий белгиларининг турли талқинлари ва уларни такомиллаштириш зарурати илмий асосланган ҳолда ёритилган. Хусусан, мазкур институтнинг Жиноят кодексида алоҳида нормалар сифатида мустақамланиши, жавобгарлик асосларининг аниқ белгиланиши ва жиноий жавобгарликни индивидуаллаштириш

имкониятлари тадқиқ қилинган.
Шунингдек, хорижий тажриба таҳлил
қилиниб, миллий қонунчиликни
такомиллаштиришга оид амалий таклиф ва
тавсиялар илгари сурилган.

ПОНЯТИЕ И ПРАВОВЫЕ ОСНОВАНИЯ СОУЧАСТИЯ В ПРЕСТУПЛЕНИИ

Д.Ш. Исраилов

(PhD), доцент

Заместитель директора Высшей школы судей, кандидат юридических наук
Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: причастность к преступлению, уголовный закон, правовой институт, сокрытие преступления, несообщение о преступлении, уголовная ответственность, законодательная реформа, попустительство преступлению, судебная практика.

Аннотация: В данной статье автором научно обосновано современное состояние института причастности к преступлению в действующем уголовном законодательстве, его формы, различные толкования правовых признаков и необходимость их совершенствования. В частности, исследованы возможности закрепления данного института в качестве отдельных норм в Уголовном кодексе, четкого определения оснований ответственности и индивидуализации уголовной ответственности. Также был проанализирован зарубежный опыт и выдвинуты практические предложения и рекомендации по совершенствованию национального законодательства.

Жиноятда иштирокчилик ва жиноятга дахлдорлик тушунчалари Ўзбекистон қонунчилигида аниқ белгиланган. Амалдаги ЖК 27-моддасига кўра, жиноятда иштирокчилик – икки ёки ундан ортиқ шахсининг қасд билан жиноят содир этишда биргаликда қатнашиши ҳисобланади. Яъни, иккидан ортиқ киши олдиндан тил бириктирмай ёки тил бириктириб жиноят содир этса, бу оддий ёки мураккаб иштирокчилик сифатида ҳуқуқий баҳоланади. Мазкур тушунча жиноят кодексида мустаҳкамланган ҳуқуқий асосдир.

Бундан фарқли равишда, жиноятга дахлдорлик тушунчаси ЖК 31-моддасида белгиланган бўлиб, бу жиноят содир этилишига ёки содир этиб бўлинганлиги тўғрисида аниқ билиб туриб, олдиндан ёрдам беришга ваъда бермаган ҳолда ҳокимият идораларини хабардор қилмаслик ёки жиноятни яширишни ўз ичига олади. Яъни, дахлдорликда шахс жиноятга ёрдам бераётган бўлса ҳам, бу ёрдам олдиндан келишилмаган (ваъдасиз) бўлади. Масалан, маълум бир шахс жиноят содир этилиши мумкинлигини била туриб ҳеч қандай

чора кўрмай, ҳокимиятга ахборот бермаса, қонунга биноан дахлдорликка оид жавобгарликка дучор этилиши мумкин.

Ҳукукий жиҳатдан, жиноятга дахлдорликка жавобгарлик ЖКнинг умумий қисмидаги нормалар билан тартибга солинади. Жавобгарликнинг шартлари 31-моддада аниқлаштирилган, яъни фақат олдиндан ваъда бермаган ҳолда хабар қилмаслик ёки яшириш ҳолларида (айниқса ЖКнинг 155¹ ва 241-моддаларида кўрсатилган жиноятлар учун) дахлдорлик учун жазо кўзда тутилган. Шундай қилиб, жиноятга дахлдорлик – қонуний асосли, махсус белгиланган тартибдаги ҳукукий институт ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган туб ислохотлар билан бирга жиноят қонуни ҳам мунтазам такомиллашиб бормоқда. Бироқ шунга қарамай, жиноят қонунида ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Бундай муаммолар қаторида жиноятга дахлдорлик институти муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, жиноятга дахлдорлик институти жиноят-ҳукукий воситалар орқали жиноятларнинг олдини олишда алоҳида аҳамиятга эга.

Мазкур институт имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, тайёргарлик кўрилаётган, содир этилган ёки содир этилаётган жиноятларнинг тез ва тўлиқ очилишига ва туб маънода жиноятларнинг олдини олишга сезиларли даражада кўмаклашади.

Ўз навбатида, ҳозирги кунда жиноятга дахлдорлик институтини комплекс равишда таҳлил қилишга бағишланган илмий тадқиқотларда ушбу институтнинг ҳукукий механизмини такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифлар ишлаб чиқилган. Жиноят қонунини такомиллаштириш бўйича берилган бу таклифларнинг асосий йўналишлари, биринчидан, унинг Умумий қисмига ва иккинчидан, Махсус қисмига тааллуқли ҳисобланади. Жумладан, А.В.Зарубин [1] ва Е.В.Пономаренколар [2] Жиноят кодекси Умумий қисмида жиноятга дахлдорлик тушунчаси ва шакллари белгиланиши лозимлиги ҳақида фикр билдириб, жиноятга дахлдорлик тушунчаси ва шакллари Умумий қисмнинг битта нормасида белгиланган ҳолда «Жиноятга дахлдорлик учун жавобгарлик» деб номлашни таклиф беради.

Мазкур норманинг биринчи қисми, жиноятга дахлдорлик институтининг тушунчаси ва жиноятга дахлдорлик билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгилаш асосини (жиноятга дахлдор бўлганлиги учун жавобгарлик Жиноят кодекси Махсус қисм моддаларида назарда тутилади); иккинчи (жиноятни яшириш), учинчи (жиноятга йўл қўйиш) ва тўртинчи (жиноят ҳақида хабар бермаслик) қисмлари эса жиноятга дахлдорлик шакллариининг тушунчалари ва белгиларини очиб беришга бағишланади.

Бироқ А.А.Отажонов [3] ҳам, жиноятга дахлдорлик институтини бу каби ҳукукий тартибга солиниши ушбу институт имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ва суд тергов амалиётида мавжуд муаммоларни бартараф қилишда ижобий жиҳатдан самара бера

олмайди. Чунки биринчидан, битта нормада жиноятга дахлдорлик институтини комплекс холда ҳукукий жиҳатдан тартибга солишнинг самараси юқори бўлмайди, унда норма жуда кенг ва мураккаб тарзда ифоланиб қолиши мумкин (бу эса, ушбу институт моҳиятини тушунишни мураккаблаштиради), иккинчидан, олимлар томонидан тавсия қилинаётган норма жиноятга дахлдорликнинг барча белгиларини ўзида акс эттира олмайди (жиноятга дахлдор бўлганлиги учун жавобгарликка тортилмайдиган шахсларнинг рўйхатини аниқлаш, жиноят ҳақида хабар бермаслик қандай тоифадаги жиноятларга нисбатан содир этилиши ва бошқалар.). Бу фикрга биз ҳам қўшиламыз.

Мазкур институт самарадорлигини янада ошириш, қилмишга тўғри баҳо бериш ва жиноят-ҳукукий таъсир чораларини ошириш мақсадида, жиноятга дахлдорлик институтини ҳозирги замон шароитларини инобатга олган ҳолда, такомиллаштириш тақозо этилади. Шунинг учун ҳам, қонунларимиз мазмун жиҳатдан айрим муаммоларни келтириб чиқариши мумкин бўлган атамалардан фойдаланишни инкор қилиши керак.

Мазкур институтни такомиллаштириш бўйича А.А.Отажонов, жиноятга дахлдорлик ва у билан боғлиқ бошқа нормаларни тузишда “жиноятчи” атамасидан фойдаланмаган ҳолда, унинг ўрнига “жиноят содир этган шахс” атамасидан фойдаланишимиз мантиқан тўғри бўлади [3], деб таъкидлайди.

Ушбу нуқтаи назардан биз Жиноят кодекси Умумий қисмида жиноятга дахлдорлик институтини белгилашда унинг тушунчаси ва белгиларини ҳамда унинг шакллари алоҳида нормаларга ажратган ҳолда, қуйидагича мустаҳкамлаб қўйилишини мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

“31-модда. Жиноятга дахлдорлик

Жиноятга тайёргарлик қўрилаётганлиги, содир этилаётганлиги ёки содир этилганлиги, шунингдек уни содир этган шахслар ҳақида аниқ била туриб ҳокимият органларига хабар бермаслик, олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят изларини ёки уни содир этган шахсни яшириш жиноятга дахлдорлик деб топилади.

Жиноятга дахлдорлик билан боғлиқ қилмишлар ушбу Кодекс Махсус қисмида алоҳида назарда тутилган ҳоллардагина жавобгарликка сабаб бўлади.

Жиноят ёки уни содир этган шахслар ҳақида хабар бермаганлик ёки яширганлик гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари, шунингдек қонун ҳужжатларига қўра, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар (қонунга мувофиқ жабрланувчи ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш жараёнида) жавобгарликка тортилмайди”.

Бундан ташқари, биз ЖК да Жиноятга дахлдорлик институтини кенгайтириш мақсадида дахлдорликнинг шакиллари ҳам беришимиз лозим. Жумладан,

“311-модда. Жиноятга дахлдорликнинг шакллари

Жиноятга дахлдорлик- жиноят ёки уни содир этган шахслар ҳақида хабар бермаслик, жиноят ёки уни содир этган шахсларни яшириш, жиноятга йўл қўйиш шаклида бўлади.

Жиноятга тайёргарлик қўрилаётганлиги, содир этилаётганлиги ёки содир этилганлиги, шунингдек уни содир этган шахслар ҳақида аниқ била туриб ҳокимият органларига хабар бермаслик, жиноят ёки уни содир этган шахслар ҳақида хабар бермаслик деб топилади.

Жиноят содир этган шахсларни ёки жиноят содир этиш курули ва воситаларини, жиноят изларини, шунингдек жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олдиндан ваъда бермаган ҳолда яшириш, жиноят ёки уни содир этган шахсларни яшириш деб топилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, жиноятчиликка қарши кураш олиб бориш, унинг олдини олиш ва баратараф қилиш юзасидан вазифа юклатилган шахснинг тайёргарлик қўрилаётган ёки содир этилаётган ижтимоий хавфли қилмишларга нисбатан унинг олдини олиш ёки бартараф қилиш имкониятларига эга бўлган ҳолда, тўсқинлик қилмаслиги жиноятга йўл қўйиш деб топилади”.

Ўз навбатида, жиноятга дахлдорлик билан боғлиқ қилмишлар учун жавобгарлик белгилаш ва уларни Жиноят кодекси Махсус қисмида жойлаштириш муаммоси назария ва амалиётда муҳим мунозарали ҳолатни ташкил этади.

Шу маънода олимларнинг жиноятга дахлдорлик қилмишлари учун жавобгарлик белгилаш юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари эътиборга лойиқдир. “Таъкидлаш лозимки, деб ёзади Н.С.Косякова ва А.Д. Макаровлар, – жиноятга дахлдорлик билан боғлиқ қилмишлар учун жавобгарлик Махсус қисмнинг “Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар” бўлимида акс эттирилиши ва унда фақат жиноят ҳақида хабар бермаслик ва жиноятни яшириш учун жавобгарлик назарда тутилиши керак [4], деб ҳисоблашган.

А.В.Зарубин ва Е.В.Пономаренколар, аксинча, жиноятга дахлдорликнинг барча шакллари учун Махсус қисм нормаларида жавобгарлик назарда тутилиши билан бирга, уларнинг барчаси “Одил судловга қарши жиноятлар” бобида белгиланишини таклиф этганлар [5].

Шу нуқтаи назардан жиноятга дахлдорлик билан боғлиқ жиноятлар учун Жиноят кодекси Махсус қисмида жиноий жавобгарлик белгилашда, биринчидан, унинг объектини инобатга олишимиз ва, иккинчидан, мазкур институтнинг ишлаш механизми самарадорлигини ошириш учун хизмат қилувчи нормаларни ҳам ишлаб чиқишга эътибор қаратишимиз лозим.

Маълумки, амалдаги жиноят қонунида жиноятга дахлдорликнинг шакллари учун жавобгарлик Махсус қисмнинг турли бўлим ва бобларида назарда тутилган. Масалан, жиноятга йўл қўйганлик учун жавобгарлик Жиноят кодекси 208-моддаси “Ҳокимият ҳаракатсизлиги” нинг таркибий қисми сифатида белгиланган. Зеро, бу моддада мантикий талаблар бузилган ҳолда қонунчилик техникаси қоидаларига зид равишда ғоявий-ҳуқуқий жиҳатдан бир-бири билан боғланмаган икки ҳуқуқий ҳодиса аралаштириб юборилган. Шу сабабдан, ҳокимият ҳаракатсизлиги ва жиноятга йўл қўйиш алоҳида моддада белгиланиб, махсус жавобгарлик чораси назарда тутилиши керак.

Жиноятга дахлдорликнинг алоҳида шакллари бўлган жиноят ҳақида хабар бермаслик ва жиноятни яшириш учун Жиноят кодекси Махсус қисмининг битта моддасида жавобгарлик назарда тутилиши бизнингча, жиноят қонуни нормаси тузилишининг мантикий талабларини бузилишига ва қонунчилик техникаси қоидаларига зид равишда ҳуқуқий жиҳатдан бир-бири билан боғланмаган икки ҳуқуқий ҳодиса аралашиб кетишига ҳамда ушбу қилмишлар учун жавобгарликни индивидуаллаштириш имкониятларни мураккаблаштиришга олиб келиши мумкин.

Шунингдек, хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилиги ва ўтказилган тадқиқот натижаларининг таҳлили ҳам шуни кўрсатдики, жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширганлик учун Жиноят кодекси Махсус қисмининг алоҳида-алоҳида нормаларида жавобгарлик назарда тутилиши ижобий натижаларга эришиш имкониятларини инкор этмайди.

Бундан ташқари, амалиёт давлат ҳокимияти органларининг жиноятчиликка қарши кураш олиб боришда фуқароларнинг ёрдамсиз ҳаракат қилиши, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда ижобий натижаларга олиб келмаслигини кўрсатди. Бу масаланинг бир жиҳати.

Муаммога оид таҳлил қилинган жиноят иши материаллари ва социологик тадқиқот натижалари, суд амалиёти ва назарияда “жиноят содир этган шахс” ҳақида хабар бермаслик учун ҳуқуқий баҳо беришга оид масалаларда айрим муаммоларнинг мавжуд эканлиги аниқланди. Баён этилаётган муаммо нуқтаи назаридан, Р.Кабулов ва З.Х.Гулямовлар “... мазкур нормани ҳуқуқий шарҳлаш, жиноятнинг бошқа белгилари биланбирга, айбдор шахсини тавсифловчи маълумотлар ҳақида ҳам хабар бериш кераклигини англатади” [6], деб таъкидлайдилар.

Ўз навбатида, В.Н.Кудрявцев ҳақли равишда “агар жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг тузилиш жараёнини инобатга олсак, албатта, жиноят таркиби ва жиноят субъекти имкониятлари доирасини инобатга олиб, қонун ҳимоя остига олган ижтимоий муносабатнинг тузилишидан келиб чиқувчи жиноят объектига устунлик бериш лозим” [7],

деб ҳисоблайди. Шу боис, жиноятга йўл қўйганлик учун жавобгарлик “Одил судловга қарши жиноятлар” бобида мустаҳкамланиши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги Қонунининг 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексига янги Жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш (ЖК 2411-м.) жинояти киритилди. Унга асосан, жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш хизмат вазифаларига қирадиган мансабдор шахснинг жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириши жиноий жавобгарликни назарда тутди.

Фикримизча, мазкур жиноят субъектининг тўлиқ белгиларини жиноят қонунида қонунчилик тушунчасини очиб бериш мазкур нормани квалификация қилишда келиб чиқиши мумкин бўлган айрим тушунмовчиликларни бартараф қилишга имкон беради.

Мазкур норма 241-моддада назарда тутилган нормага нисбатан махсус норма ҳисобланиб, жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишга ўхшаш бўлса-да, махсус субъектлар томонидан амалга оширилади ва бундай қилмиш 2411-модда квалификация қилинади.

Юқоридаги таҳлилларимизнинг хулосаси сифатида амалдаги ЖКда белгиланган нормаларнинг 1959 йилги ЖКда белгиланган нормалардан асосий фарқларини аниқладик (ишнинг хулоса қисмида тўлиқ баён этилган).

Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди:

Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш содир этиладиган ёки содир этилган жиноят билан сабабий боғланишда бўлмаган шахсларнинг ҳаракатсизлиги (ҳаракати) бўлиб, жиноят ҳақида аниқ била туриб, ҳокимият органларига хабар бермасликда ёки яширишда ифодаланади ҳамда қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлсагина, яъни оғир ёки ўта оғир жиноятларнинг содир этилиши ёки содир этилганлиги билан боғлиқ ҳолатларда жиноят сифатида баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 31-моддасига мувофиқ, жиноятга дахлдорлик икки турга ажратилади: 1) олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермаслик; 2) олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли ва воситаларини, жиноят изларини ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яшириш.

Жиноятга дахлдорлик институтини ва жиноятни яширишнинг турини ҳаддан ташқари кенгайтириш айбдор шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилишда қийинчиликлар туғдиради. Шу сабабдан, жиноятга йўл қўйиш ва жиноий йўл билан қўлга киритилган пул

маблағлари ёки мол-мулкни ошкорлаштириш (легаллаштириш) каби шакллар дахлдорликнинг тури сифатида қаралмаслиги лозим.

Жиноят иштирокчилиги ва дахлдорликни ўрганган қонуншунослар уларнинг турлари ва хусусиятларини турлича талқин қилишган. Масалан, баъзи манбаларда таъкидланишича, жиноятга дахлдорлик – бу қонун олдида камтар формали иштирокчилик бўлиб, унда ёрдам бериш олдиндан келишилмаганлиги асосий фарқ сифатида кўрсатилади. Иккинчи томондан, олим Ш.Н. Ёқубовнинг таҳлилида, жиноятлар гуруҳ хусусида содир этилганда ижтимоий хавф ўша жиноятнинг оғирлашувининг бир унсури сифатида ўрганилган. Унинг таъкидлашича, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноят шахсий жиҳатдан кузатилган жиноятларга нисбатан жамиятга кўпроқ зарар етказади. Бу фикрлар иштирокчилик институтининг жамоат хавфсизлигига таъсирини кенг чуқурликда таҳлил қилиш имконини беради.

Шунингдек, профессионал юристлар малакасида иштирокчилар учун жазонинг бир хил бўлиши таъкидланган. Жумладан, жиноят қонунчилиқда иштирокчилар тарафидан содир этилган барча жиноятлар учун бажарувчига қарши моддалар қўлланади, яъни байнинг ташкилий принципи қоидалари сақланади. Бошқа томондан, «ёрдамчи» ва «дахлдор» тушунчалари орасида фарқларга эътибор қаратишга чақирувчи таълимий манбалар мавжуд: ёрдамчи олдиндан келишилган ёрдам беради, дахлдор эса келишилмаган ҳолда ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, жиноятга дахлдорлик масалалари бўйича илмий баҳсларда асосан унинг иштирокчиликдан тафовутлари, жавобгарлик шартлари ва жазонинг бўлинмаганлиги хусусида алоҳида урғу берилади. Ушбу муносабатлар амалда ҳам ижобий ёки салбий ҳолларда суд қарорларида акс эттирилмоқда, ва ҳуқуқшунос олимлар ёндошувлари жиноятда иштирокчилик институтини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиёт:

1. Зарубин А. В. Уголовно-правовое регулирование прикосновенности к преступлению: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Красноярск, 2004. – С. 5.
2. Пономаренко Е. В. Некоторые теоретические и законодательные проблемы прикосновенности к преступлению по уголовному праву Российской Федерации: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Саратов, 2007. – С.6.
3. А.А.Отажонов. Жиноятга дахлдорлик: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар. юрид... фан. юрид. ном...дисс – Т.: 2009. – С. 129.
4. Косякова Н. С. Прикосновенность к преступлению по российскому уголовному праву: становление, состояние и перспективы развития: Автореф. дис... канд.

юрид. наук. – М.: 2001. – С. 18., Макаров А. Д. Уголовная ответственность за прикосновенность к преступлению: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – М.: 2004. – С. 17–18.

5. Зарубин А. В. Уголовно-правовое регулирование прикосновенности к преступлению: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Красноярск, 2004. – С. 10–12, Пономаренко Е. В. Некоторые теоретические и законодательные проблемы прикосновенности к преступлению по уголовному праву Российской Федерации: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Саратов, 2007. – С. 9.

6. Кабулов Р., Гулямов З. Х. Уголовная ответственность за преступления против правосудия: Учебное пособие. – Т.: 2007. – С. 38.

7. Кудрявцев В. Н. Общая теория квалификация преступлений 2-е изд., перераб. и дополн. – М.: 2004. – С. 137.